



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 19-oktabr • Seshanba • 122 (31.242) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМЕНИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг таклифига биноан 19-20 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтакавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Бизнинг кучимиз — ҳамжиҳатликда

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида «Кўп миллатли Ўзбекистон: тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Республика Байналмилал маданият маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Тошкент давлат шарқшунослик институти ва «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилди. Унда Юртбошимиз БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган ҳулоса ва вазибалар таҳлил қилинди.

Тадбирда халқаро таъкилотлар, мамлакатимиздаги хорижий дипломатик корпуслар вакиллари, миллий-маданий марказлар, Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар бўйича жамиятлар фаоллари, олий ўқув юртли профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари, жамоат таъкилотлари вакиллари иштирок этди.

Илмий-амалий анжуманда тинчлик, дўстлик ва барқарорликнинг мамлакат тараққиёти-

да тутган ўрни алоҳида таъкидланди. Марказий Осиё минтақасида тинчликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги беқарорликларни бартараф этиш, Орол денгизи билан боғлиқ экологик вазиятни яхшилаш бўйича мутахассис-олимларнинг маърузалари тингланди. Дунёда ҳали-ҳануз тез-тез ўраб турган миллатлараро низолар келтириб чиқаришнинг аянчли оқибатлари ҳаётий мисоллар орқали айтиб ўтилди. Узро тотувлик ва ҳамжиҳатликка раҳна солмоқчи бўлган кучлар кирдиқоридан доимо оғох ва ҳушёр бўлиб яшаш лозимлигига эътибор қаратилди.

Анжуманда сўзга чиққан турли миллат вакиллари халқимизнинг узро аҳил-иноқлиги юртимиз тинчлиги, барқарор ҳаётимиз, жамият тараққиётининг муҳим омилли бўлаётгани ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



Эксперта ЮРИМУРДОВ олган суратлар.

■ Сиёсий партия матбуоти ҳар бир сиёсий кучнинг қиёфасини ўзида акс эттирадиган кўзгудир. Партиялараро кураш, депутатлик корпусларининг давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари доирасидаги баҳс-мунозаралари асосан партия нашрлари орқали олиб борилади.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида партиявий нашрлар партиялараро қизгин баҳс-мунозара минбари бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди. Очигини тан олиш керак, бугун партия нашрларида баҳс-мунозара изчил олиб бориладими. Бу борада мавжуд

Партиялараро баҳс

матбуот орқали изчил олиб борилиши зарур

имкониятлардан самарали фойдаланилмапти. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида ташкил этилган семинар-тренингда ҳам бу ҳақда сўз юритилди.

Икки кун давом этган тадбирда партия нашрларининг ижодий ва техник ҳодимлари, парламент Қонунчилик палатаси томонидан аккредитация қилинган журналистлар, сиёсий партиялар матбуот хизматлари, Олий Мажлис палатаси вакиллари, Қонунчилик палатаси депутатлари иштирок этди.

Семинар-тренингда партия журналистикасининг

назарий ва амалий асослари, парламент журналистикасининг асосий жиҳатлари, сиёсий баҳс ва партиялараро рақобат олиб боришнинг тамойиллари, партия матбуотининг тили ва услуби, партия нашрларининг сайтларини ривожлантириш, замонавий партия нашрининг дизайни ҳамда шу каби қатор мавзуларда маърузалар тингланди, савол-жавоблар бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятини, у ердаги турли фракциялар ўртасидаги баҳс-мунозараларни кенг ва атрафлича ёритиш масаласига алоҳи-

да эътибор қаратилди. Парламент куйи палатасида кечаётган жараёнлар оммавий ахборот воситалари орқали тўлиқ очиб берилмаётгани таъкидланди ҳамда фракциялараро рақобатни матбуот саҳифаларига олиб чиқишда журналист маҳорати масалалари таҳлил этилди.

Иштирокчилар бундай семинар-тренингларни изчил ўтказиб туриш фойдали экани, аммо мазкур тадбирларга воқеликни таҳлил эта оладиган, кун тартибидagi мавзу моҳиятини чуқур тушунадиган мутахассислар кўпроқ жалб этилиши зарурлигини таъкидлашди.

Бехзод ШУКУРОВ



Долзарб мавзу

■ Жаҳоннинг турли мамлакатларида олимлар ўтказган тадқиқотлар натижаларига кўра, уяли телефондан фойдаланувчилар бош оғриги, бош айланиши, нохушлик, қулоқ атрофида «иссиқлик»ни ҳис этиш, кўнгил айниши, тез чарчаш каби ҳолатлардан арз қилишади. Хорижий олимлар бундай салбий ҳолатларнинг сабабларини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар ўтказишди. Маълум бўлишича, уяли телефонлардан фойдаланиш ҳақиқатан ҳам инсон соғлигига кўп зарар келтираркан. Боз устига, уяли телефонлар орқали қанчалик узоқ ва тез-тез гаплашилса, бошининг оғриги шунчалик кучаяр экан. Тадқиқотлар натижаларига кўра, уяли телефон орқали кўп гаплашувчиларда бош айланиши, кўнгил айниши, кўзларнинг ёшланиши, уйқусизлик, дармонсизлик кузатилади.

→ 3

ОРОЛ ТАНГЛИГИ

инсониятнинг энг йуриқ
экологик ва гуманитар
муаммоларидан бири



Сўз — ЎЗХДП фракцияси аъзоларига

■ XXI асрни инсоният қатор глобал экологик муаммолар билан қарши олди. Улардан бири — Орол фожиасидир. Президентимиз Ислам Каримов бир неча йиллардан бери бу муаммога жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратиб келади. БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида ҳам Орол денгизи фожиаси ҳақида фикр юритиб, Оролбўйининг табиий-биологик фонддини асраш, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, бу ерда яшайдиган миллионлаб одамларга таъсирини камайтириш каби масалаларга алоҳида тўхтади.

Мактаб тўла таъмирланади

Газетада босилмади, аммо...

■ Сарийосиё туманидаги 1-мактаб жамоаси таҳририятга шикоят хати йўллаб, ўқув масканида таъмирлаш ишлари яхши бажарилмаганидан арз қилишган эди. Мазкур хат Сурхондарё вилоят ҳокимлигига жўнатилди. Яқинда вилоят халқ таълими бошқармасидан жавоб келди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«Газетага Сарийосиё туманидаги 1-мактаб жамоаси, ўқувчилари ва ота-оналар ёзган ариза юзасидан куйидагиларни маълум қиламиз.

Тумандаги 1-умумий ўрта таълим мактабини ривожлантириш Давлат умумий таълим дастури асосида 118 миллион сўм маблағ эвазига капитал таъмирлаш ишларини «Қайҳусров Рустам» МЧЖ амалга оширган.

Мактабнинг ҳолати вилоят халқ таълими бошқармаси ва ту-

ман халқ таълими бўлими ҳамда тегишли вакиллар иштирокида ўрганиб чиқилди, мактабнинг қолган қисмини таъмирлаш учун қўшимча маблағ ажратиш мақсада мувофиқ деб топилди.

Маърифат масканининг таъмирлангани мактаблар рўйхатида киритилишини бошқарма назоратга олганлигини маълум қиламиз.

Ҳ.АЛМАРДАНОВ,
Сурхондарё вилоят
халқ таълими бошқармаси
бошлиғи в.б.»

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIIY BANKINING 2010 YIL 19 OKTYABR DAN BOSHLAB HORIJIIY VALIYOTALARINING SŪMGA NISBATAN BELGILAGAN QIYMATI			
1 Австралия доллари	1600,51	1 Миср фунти	285,19
1 Англия фунт стерлини	2589,80	1 Канада доллари	1597,09
1 БАА дирҳами	442,37	1 Хитой юани	244,47
1 АҚШ доллари	1624,72	1 Малайзия рингити	525,03
		1 СДР	2568,10
		1 Туркия лираси	1144,01
		1 Швейцария франки	1688,90
		1 Евро	2270,58
		10 Жанубий Корея вон	14,53
		10 Япония иенаси	200,16
		1 Россия рубли	53,93
		1 Украина гривнаси	205,43

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ҚАЕРДА
ТАШАББУС
БЎЛСА
кутилган
натижага
эришилади → 2

ҲАР
ЖИҲАТДАН
ЗАМОНАВИЙ
касб-ҳунар
коллежи → 4

Эътироф
Ўзбекистонга тез-тез келиб тураман. Бу ажиб дийрнинг асрлар мобайнида сайқалланган қадриятлари ниҳоятда эътиборга сазовор. Ўзбекистонда қурилиш соҳаси жадал ривожланиётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу шаҳарқишлоқларининг таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётган қиёфасида, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида яққол кўзга ташланади. Кўп асрлик тарих, бетакрор маданият ва анъаналарга эга Ўзбекистон жаҳон сайёҳлик бозориди ўзини тобора кенгайтирмоқда. Юртинингизда халқаро туризмни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасида кенг қўлмали ишлохотлар амалга оширилоётганига гувоҳ бўлдим. Саёҳатини давомда тарихий обидаларни томоша қилдим, миллий ҳунармандлик буюмларидан харид қилдим».
Агус ТАСРУДИН,
(Индонезия)

ОБ-ҲАВО	19-20.10. 2010	
	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☁ 25°C	☁ 27°C
Самарқанд	☁ 22°C	☁ 27°C
Нукус	☁ 15°C	☁ 20°C
Қарши	☁ 25°C	☁ 30°C
Урганч	☁ 15°C	☁ 20°C
Навоий	☁ 22°C	☁ 27°C
Фарғона	☁ 25°C	☁ 29°C
Бухоро	☁ 22°C	☁ 27°C
Анджон	☁ 25°C	☁ 28°C
Наманган	☁ 25°C	☁ 30°C
Термиз	☁ 25°C	☁ 30°C
Жиззах	☁ 22°C	☁ 27°C
Гулистон	☁ 22°C	☁ 27°C
Тошкент вил.	☁ 22°C	☁ 27°C
Лондон	☁ 11°C	☁ 12°C
Париж	☁ 10°C	☁ 9°C
Москва	☁ 6°C	☁ 5°C
Мадрид	☁ 10°C	☁ 9°C
Пекин	☁ 12°C	☁ 10°C
Гонгконг	☁ 26°C	☁ 24°C
Рим	☁ 11°C	☁ 14°C
Анкара	☁ 14°C	☁ 13°C
Токио	☁ 16°C	☁ 15°C
Стокгольм	☁ 7°C	☁ 6°C
Кейптаун	☁ 15°C	☁ 13°C
Қоҳира	☁ 16°C	☁ 17°C
Гавана	☁ 26°C	☁ 25°C
Вашингтон	☁ 11°C	☁ 9°C

O'zbekiston havo yo'li

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Hismatlar loyihalangan

ОРОЛ ТАНГЛИГИ

инсониятнинг энг йирик экологик ва гуманитар муаммоларидан бири

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Шу йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Котиби Пан Ги Муннинг Қорақалпоғистон Республикасида бўлиши, Мўйноққа келиб, экологик вазиятни ўрганиши, одамлар билан учрашиб, уларнинг фикрларини тинглаши Оролбўйи минтақасидаги муаммога маъруза халқаро ташкилотнинг катта эътиборидан далolat беради.

«Минтақадаги экологик вазиятни кўздан кечириб, аҳоли ўта мураккаб эканига амин бўлдим. Бу бутун инсониятнинг оғоҳликка чорлайди. Бу глобал муаммони минтақадаги барча давлатлар ҳамжиҳатликда ҳал этиши лозим», дея таъкидлади Пан Ги Мун ўшанда.

Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан бири. Денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 3,5 миллион киши унинг таъсирида қолди. Пировардидан, биз ёқиб сув ҳавзаларидан бирининг йўқолиб боришига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ваҳоланки, бир авлоднинг кўз ўнгига бутун бир денгиз ҳалок бўлган ҳол ҳали рўй берган эмас.

Айтиш жоизки, Марказий Осиёда сув захиралари жуда чекланган. Йилга 78 куб километр сув келтирадиган Амур дарё ва 36 куб километр сув келтирадиган Сирдарё асосий сув манбалари ҳисобланади. Дарёлар оқими асосан Қирғизистон ва Тожикистон тоғларидан бошланади. Сув захираларининг кўпчилиги қисмидан Марказий Осиёдаги барча республикаларнинг ерларини сугориш учун фойдаланилади. Шу муносабат билан минтақадаги давлатларнинг манфаатлари ҳамда экология талабларини, дарёлар дельталарида ва Орол денгизида мақбул ҳаёт шарт-шароитларни ҳар томонлама ҳисобга олиш зарур. Қолаверса, Орол денгизи ҳавзасининг чекланган сув захираларини биргаликда, келишилган ҳолда оқилона бошқариш қатъий талаб этилади.


Минтақанинг яна бир муаммоси сувни муҳофаза қилиш ва тежаш тадбирлари мажмуини амалга ошириш зарурати билан боғлиқдир. Бу тадбирлар сувнинг исроф бўлишини энг кам даражага келтириш, сугориш тармоқининг режими ва ўлчамларини замонавий техникалар билан мустаҳкамлашни ўз ичига олади.

Орол денгизининг қуриб бориши ва минтақанинг чўлга айланиши билан боғлиқ экологик фожа бу ҳавзада яшайдиган барча халқларнинг дарди-дири. Сув захиралари билан боғлиқ муаммолар масалага оқилона ёндашувни, минтақа давлатлари халқаро ҳам-жамият билан ҳамкорликда ишлаши-

ни талаб қилади.

Орол денгизи қуриб бораётганига ярим асрдан кўп вақт бўлди. Унинг таъдири, қуришидан келиб чиқаётган муаммоларни ҳал қилишга мустақиллик йилларига эътибор қаратилмаган.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида минтақада экологик вазиятни барқарорлаштириш, ҳалокат оқибатларини енгилаштириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилаётган аниқ мақсадли дастур ва лойиҳалар секин-аста ўз самарасини бермоқда. Хўр-бошимиз ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт



кафолатлари» асарида тегишли технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, қишлоқ, ўрмон ва бошқа хўжалик тармоқларида захарли қимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, ҳаво ва сувни зарарли моддалар билан ифлослантиришни тўхтатиш, жонли табиатнинг бутун табиий генфондини, маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини қўлайтириш ҳисобига бошлангич асос сифатида сақлаб қолиш, жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш лозимлигини алоҳида қайд этган эди.

Дарҳақиқат, Орол муаммоси бугунги кунда кенг қўламли, бутун сайёра-

мизга дахлдор муаммо бўлиб қолгани, унинг таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ биологик мувозанатни бузаётгани, бепоён ҳудудларда аҳолининг генфондига ҳалокатли таъсир кўрсатаётганини назардан қочирмаслик керак. Шу маънода, халқаро тузилмаларнинг захиралари, имкониятлари ва инвестицияларини ана шу муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш биринчи даража-ли вазифадир.

Президентимиз БМТ саммитида қайд этганидек, қуриб бораётган Орол муаммоси — бу минтақада яшайдиган, БМТдек нуфузли ташкилотга умид билан ёрдам сўраб мурожаат қилаётган миллионлаб одамларнинг муаммосидир.

Бу масалага асло бефарқ қараб бўлмайди. Миллионлаб одамлар таъдири устидан гап борар экан, эскича қарашлардан воз кечиб, масалага янги ёндашувни талаб этиди. Сувдан оқилона фойдаланиш, трансчегаравий дарёлар оқимидаги барча халқларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш зарур. Утган асрнинг маъна-эскирган, замон талабларига мутлақо жавоб бермайдиган лойиҳаларидан воз кечиб, гидротехник иншоотлар

қурилишида экология қонуниятларига қатъий амал қилиш керак. Агар бундан сув ўтиши, қиш йилларида иситиш тизими яхши ишламаётгани ҳақида мурожаат қилди. Партия кенгаши фаоллари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси билан бирга бу масаланинг ижобий ҳал этилишига кўмак берди.

«Тараққиёт» маҳалласи фаолларидан тушган мурожаатда маҳалла кўчалари таъмирталаниши, ёриткичлари яхши ишлатилгани қайд этилган эди.

Искандар АЗИЗОВ,
Олий Мажлис Қонунийлик
палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида

Кишиларнинг мушуқлини осон қилиш — эзгу иш, катта савоб. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз электоратини ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш, уларнинг ечимини топишга алоҳида аҳамият бериб келади. Бу борада партия ташкилотлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини кучайтириш яхши самара бермоқда.



Элбидила НОРИМҲОДОВ олган сурат.

МУРОЖААТЛАР ЗАМИРИДА партияга ишонч, умид ва хайрихоҳлик бор

Собир Раҳимов туман партия ташкилотидидаги Жамоатчилик қабулхонасига жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 32 нафар фуқаро мурожаат қилган. Уларнинг аксарияти ижтимоий муаммолар билан боғлиқ. Шу кунгача бу масалаларнинг кўпчилиги ижобий ечим топди. Қорақамиш 2/4 даҳаси-

21-Қорасарой сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига партияимиздан сайланган депутат Максуд Қосимовнинг елиб-югуриши, тегишли идораларга мурожаатидан сўнг бу масала ҳам ечим топди. — Икки ой аввал бу ерга иш топишда ёрдам беришларини сўраб келган

бўлапти. Улар ойда икки марта ўз ҳудудларида аҳоли билан учрашиб, кишилар муаммоларини эшитиш ва ечимини топишда ёрдам беради. Бундан ташқари, партияимиз Жамоатчилик қабулхоналарида фуқароларни қабул қилишди. Депутат М.Қосимовга ўтган вақт мобайнида 36 та мурожаат

уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Тумандаги 58 та маҳалладан 24 тасида партиянинг ҳудудий ташкилоти бор. Маҳаллалардаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти, айниқса, самарали бўлмоқда. Оқддий одамлар билан учрашувлар, суҳбатлар электорат муаммоларини ўрганишга кўл келмоқда. Партия фаоллари ногиронлар, кам таъминланган оилалар, вақтинча исиз ва боқувчисини йўқотган ёшлар, қаровчисиз кексалар ҳолидан мунтазам хабар олиб туради. Уларни ўйлантираётган масалаларни ечишда кўмакчи бўлади. Туман ҳудудда 8762 нафар ногирон, 1795 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оила, 107 нафар ёлғиз кекса, 120 нафар меҳнат ва уруш фариши, 81 нафар қан етим бўлиб, туман партия кенгаши фаоллари имкон қадар уларнинг оғирини енгили қилишга ҳаракат қилади. Бундай эътибордан кўпчилик мамнун бўлмоқда. Аҳолининг партияга ишончи ошиб бормоқда. Бу борадаги ишлар янада самарали бўлиши депутатлар ва партия етакчиларининг фаолиги, қатъийлигига боғлиқ.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ТУМАН ПАРТИЯ КЕНГАШИ ФАНИ АЪЗАМОВ НОМЛИ ВА «ЧИЛ-ТЎҒОН» МАҲАЛЛАЛАРИДА КЎЧМА ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙГАН. ҲАР ОЙДА ИККИ МАРТА ШУ ҲУДУДЛАРДА ФАОЛЛАР ФУҚАРОЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ. ШУ КУНГАЧА БУ ЕРГА 29 НАФАР ФУҚАРО ТУРЛИ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН МУРОЖААТ ҚИЛДИ. ФАОЛЛАР АРАЛАШУВИ БИЛАН УЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ.

да истиқомат қилувчи Т.Костюк ўзи яшайдиган кўп қаватли уйнинг томидан сув ўтиши, қиш йилларида иситиш тизими яхши ишламаётгани ҳақида мурожаат қилди. Партия кенгаши фаоллари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси билан бирга бу масаланинг ижобий ҳал этилишига кўмак берди.

«Тараққиёт» маҳалласи фаолларидан тушган мурожаатда маҳалла кўчалари таъмирталаниши, ёриткичлари яхши ишлатилгани қайд этилган эди.

эдим, — дейди Фани Аъзамов номли маҳаллада яшовчи Виктор Дадақушев. — Укам билан ёлғиз яшаймиз. У ҳали мактаб ўқувчиси. Ўзим бу йил коллежини тамомладим. Боқувчимиз йўқ. Ишлаб-пул топишим керак эди. Шу масалада партия фаолларидан ёрдам сўрадим. Улар мени «Bekas FOOD» ном ишлаб чиқариш корхонасига жойлаштириб қўйишди. Мурожаатларини ижобий ҳал этишда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари хиссаси катта

бўлган, уларнинг 21 таси ижобий ҳал этилди. Фарҳод Анорбоевга тушган 21 та мурожаатда кўтарилган 14 та масала ўз вақтида бартараф этилди. Туман партия кенгаши Фани Аъзамов номли ва «Чилтўғон» маҳаллаларида кўчма Жамоатчилик қабулхонаси фаолиятини йўлга қўйган. Ҳар ойда икки марта шу ҳудудларда фаоллар фуқароларни қабул қилади. Шу кунгача бу ерга 29 нафар фуқаро турли масалалар юзасидан мурожаат қилди. Фаоллар аралашуви билан

Иқтисодий ислохотлар

Чимбой Қорақалпоғистон Республикасининг шимолида жойлашган бўлиб, саноати, транспорти, қурилиши, маданияти, қишлоқ хўжалиги ривожланаётган туман. Кейинги йилларда унинг иқтисодиёти янги босқичга кўтарилди. Шу боис аҳоли турмуш фаровонлиги ошмоқда.

Фақат ўтган йилнинг ўзида саноатни ривожлантириш мақсадида қатор ишлар қилинди, янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилди. Шундай корхоналардан бири «Ланэкстракт» Ўзбек — Хитой қўшма корхонасидир. У бутлур 1 миллион 643 минг АҚШ доллари миқдоридан экстракция порошоги ишлаб чиқиб, экспорт қилди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш учун иккинчи линияси ишга туширилиши лозим эди. Шу мақсадда 2 миллион 147 минг АҚШ долларига замонавий асбоб-ускуна келтирилиб ўрнатилди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати икки хисса ошди. Жорий йилда, шунингдек, қўшма корхонада лойиҳа қиймати 5 млн. АҚШ доллари миқдоридан сентепон (кимёвий тола) ишлаб чиқариш линияси ҳамда 2 тонна юк кўтариш қувватига эга юк машиналари йиғув тизимини ишга тушириш кўзда тутилган.

Тумандаги «Чимбой-мой» акциядорлик жамиятида 3 миллиард 463 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари, 3 миллиард 122 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқилди. Туман марказида ва овулларда аҳолининг уй-жойга бўлган талаби йил сайин ошиб бормоқда. Уларнинг тақлиф ва эҳтиёжини ҳисобга олиб, қатор ишлар қилинмоқда. «Ўтов» масъулияти чекланган жамиятда йилда 2 миллион дона, «Ланэкстракт» қўшма корхонасида 1,5 миллион дона, «Чимбой-қумбиз» корхонасида 1,5 миллион дона гишт ишлаб чиқарилган янги цехлар қурилиб, ишга туширилди, натижада 40 дан зиёд одам иш билан таъминланди. Ҳозир уй-жой қурилиши қўлами тобора ошиб бормоқда. Биргина шу йил давомидан 9,8

Қаерда ташаббус бўлса

кутилган натижага эришилади,


минг кв. метрдан зиёд уй-жой қуриб, фойдаланишга топширилди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, хонадонларни газлаштиришдаги ишларни қўриб, қувонсан киши. 3,1 километр узунликдаги сув ҳамда 3,9 километр газ қувурлари ётқизилиши туфайли кўп хонадонлар тоза ичимлик суви ва табиий газдан баҳраманд бўлмоқда.

Тижорат банк бўлимлари томонидан кичик бизнес субъектларига 4 миллиард 933,2 миллион сўм кредит ажратилди. Аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис қўлами 4,6 миллиард сўмни ташкил этди. Утган йилнинг ўзида 2784 та янги иш ўринлари яратилди. Касаначиликни ташкиллаштириш ҳисобидан 202 та, Инқирозга қарши чоралар дастури асосида 761 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга 105 бош қорамол олиб берилди. Яна кам таъминланган 136 та оилага қорамол сотиб олиши учун «Бандлик» жамғармаси ҳисобидан 26 млн. сўм, тижорат банк бўлимлари томонидан 81,5 млн. сўм миқдоридан кредитлар ажратилди.

Туманда таълим тизимида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва мактабларда, бола-лар боғчаларида таълим-тарбия ишлари замон талаблари даражасида изчил олиб борилмоқда. 435 ўринли касб-хунар коллежи, 495 ўринли академик лицей, 5-умумтаълим мактабининг спорт зали қурилиши якунланди, фойдаланишга топширилди, яна бир касб-хунар коллежи капитал реконструкциядан чиқарилди.

— Туманимизда 98 та таълим муассасаси бўлиб, уларда 16 минг ўқувчи таълим олади, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Бахтиёр Омонбоев. — Уларга 3 минг 500 ўқувчи ва мураббий таълим беради. 2004-2008 йилларда 33 та мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. 3 та янги мактаб қурилди. 13 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 12 та мактаб капитал таъмирдан, 5 мактаб жорий



таъмирдан чиқарилди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 15 та мактаб манзил-ли дастурга қиритилиб, 6 таси капитал реконструкция, 3 таси эса жорий таъмир қилинди. Мактабларнинг мод-дий-техник базаси мустаҳкамланди. Улар мебеллар, замонавий ўқув лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникалари, спорт анжумлари билан таъминланди. Ўқувчиларнинг соғлом ва бақувват бўлиши учун спорт заллари ва спорт майдончалари ишлаб турибди.

— Одамлар саломатлиги энг катта бойлигимиз, биз тиббиёт ходимлари уларга қанча яхши хизмат кўрсатсак, ўзимизни шунча бахтиёр сезамиз, — дейди туман тиббиёт бirlашмаси бошлиғи, олий тоифали шифокор Сает Алламуратова. — Бирон-бир хонадонда бемор бўлмаслиги, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун астойдил ҳаракат қилаёلمиз. Бунинг учун саломатлик тизимидаги барча имкониятлардан тўла фойдаланаямиз. Одам соғлом, бақувват, кайфияти яхши бўлса, ишлаб чиқаришда ҳам, ўқишда ҳам кутилган натижага эришади. Биз шунга эришишимиз керак... Туманда 101 минг 352 нафар аҳоли яшайди. Шундан 50 минг 271 нафа-

ри овулда истиқомат қилади, улар ялпи аҳолининг 49,5 фоизини ташкил этади. Овул аҳолисига 15 та овул врачлик пункти алоҳида тиббий хизмат кўрсатмоқда. Бибижамол Боймирзаева раҳбарлик қилаётган 9-«Кенес» овул врачлик пункти 6 мингдан зиёд аҳолига, Замира Паллонова раҳбарлик қилаётган 8-«Тоғара» овул врачлик пункти 2 минг кишига, Гулбаҳор Тўрешова раҳбарлик қилаётган 15-«Жанжап» овул врачлик пункти 3500 аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Тумандаги «Чимбой», «Бозатау», «Жанжап», «Кенес» каби овул врачлик пункти янгидан қуриб, ишга туширилди. «Кўстерек», «Бахитли», П.Сейтов номли, У.Юсупов номли, «Тазажол», «Қизилўзақ», К.Авезов номли овул врачлик пунктлари эса замон талаблари асосида тубдан қайта таъмирланди. Улар «Саломатлик — 1», «Саломатлик — 2» лойиҳалари асосида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Туғиш ёшидаги аёллар, ўсимирлар, мактаб ёшидаги болалар ҳамда уруш ва меҳнат фаришлари тиббий қўриқдан ўтказилиб, уларга соғломлаштириш бўйича амалий ёрдам кўрсатил-

моқда. — Олдимизда бир қатор масъулиятли ишлар турибди. Давлат дастурида белгиланган ҳар бир ишнинг улдасидан чиқиб учун бор имкониятни ишга соляяпмиз, — дейди туман ҳокими ўринбосари Ўсербой Қозоқбоев. — Айниқса, корхоналарни модернизация қилиш ва бандлик тизимини кучайтиришга алоҳида эътибор бераёلمиз.

Туманда бу йил аҳоли бандлигини таъминлаш учун янги иш ўринлари яратиш дастури ишлаб чиқилди. Бу дастур халқ депутатлари туман Кенгаши 8,6 фоизга, саноат маҳсулотлари 26,8 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш 21,4 фоизга ўсдики, бу ҳам юқоридаги фикримиз тасдиғидир. **Рейимбой ЁШИМБЕТОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Самарқанд вилоятининг олис Қўшработ туманидаги Заркент шаҳарчасида Жанубий кон бошқармасига қарашли 4-Зармитон гидрометаллургия заводи фойдаланишга топширилди.

Завод ишга тушди

Мазкур корхонага Финляндия, Германия, Канада, Австрия сингари давлатлардан келтирилган 180 млн. АҚШ доллари миқдоридидаги замонавий ускуналар ўрнатилди. Корхонада меҳнат қилувчи 4 мингга яқин ишчи-хизматчи самарали меҳнат қилиб, дам олишлари учун етарли имкониятлар яратилган. Болалар спорт ўйингоҳи, қишки спорт зали ҳамда замонавий маданият саройи фойдаланишга топширилди.

Абдували ХУДОЁВ

Бугунги кунда ҳар бир туманда кўплаб саноат корхоналари барпо этилиб, янги-янги иш ўринлари яратилляпти. Буни биргина Хўжаобод тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни кунларда туманда ишга туширилган корхоналарнинг сони 38 та эди.

Янги корхоналар

Бу меҳнат жамоаларида халқимиз ташаббусчилик учун етарли маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан ташқари, экспорт кўрсаткичи ўтган йилга нисбатан қарийб ўн бараварга оширилди. 2 миллион 909 минг АҚШ доллар миқдоридида маҳсулот хорижий ҳамкорларга сотилди. Олинган фойда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилди. Жумладан, йил бошида «Хўжаобод Тархон» унитар корхонасига 46 минг АҚШ доллари миқдоридан инвестиция киритилиб, трикотаж маҳсулотлари тикши йўлга қўйилди ва ёшлар, касб-хунар эгалари учун 80 та янги иш ўрни яратилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатли бўлгани учун қисқа фурсатда ўз харидорларини топди ва бир қисми хозир Марказий Осиёнинг қатор давлатларида экспорт қилина бошлади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Технологиялар ва саломатлик

уяли телефонларнинг болалар ва ўсмирлар организмга таъсири ҳақида

Долзарб мавзу

■ Бугунги ҳаётимизни мобиль алоқа воситаси бўлган уяли телефонсиз тасаввур этиш мушкул. Замонавий алоқа воситасига қанчалик боғланиб қолганимизни эса ҳаётимизга ҳам келтирмаймиз. Гарчи бунинг яхши ёки ёмонлигини айтолмасак-да, уяли телефонлар орқали исталган вақт ва жойга боғланиш имкониятига эгамиз.

Алоқа воситалари технологиялари эса жадал ривожланиб бормоқда. Бугун ҳар қадамда ёшу қарининг, болалар ва ўсмирларнинг турли русумдаги уяли телефонлар орқали гаплашаётганини кўриш оддий бир ҳолга айланган. Лекин кўпчилик уяли телефонларнинг инсон, айниқса, ёш авлод организмга қандай зарарли таъсир кўрсатишидан бехабар.

Мухбиримизнинг Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитар шифокори, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўринбосари Саидмурод САИДАЛИЕВ билан суҳбати шу ҳақда.

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳаёти ва турмуши учун янада қулайлик яратган кўпгина замонавий қурилмалар, шу жумладан, каттаю кичик кенг фойдаланаётган мобиль алоқа воситалари пайдо бўлди. Айтинг-чи, уяли телефонлар орқали гаплашиш ўсмирлар ва болалар организмга қандай салбий таъсир кўрсатади?

— Уяли телефонлар пайдо бўлиб, уларнинг инсон саломатлигига таъсири ҳақида баҳс давом этиб келмоқда. Йирик уяли алоқа операторлари ҳомийлигисиз ўтказилган турли тажрибавий тадқиқотлар уяли телефонларнинг болалар ва ўсмирлар саломатлиги учун турли даражада зарар эканлигини исботламоқда.

— Мана шу салбий таъсирлар ҳақида аниқроқ нималар дейиш мумкин?

— Жаҳоннинг турли мамлакатларида олимилар ўтказган тадқиқотлар натижаларига кўра, уяли телефонлардан фойдаланувчилар бош оғриғи, бош айланиши, нохушлик, кўк атрофида «иссиқлик»ни ҳис этиш, кўнгил айниши, тез чарчаш каби ҳолатлардан арз қилишади. Хорижлик олимилар бундай салбий ҳолатларнинг сабабларини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар ўтказишди. Маълум бўлишича, уяли телефонлардан фойдаланиш ҳақиқатан бош оғриғи ва хор-

ғинликни келтириб чиқараркан. Боз устига уяли телефонлар орқали қанчалик узоқ ва тез-тез гаплашилганда бошнинг оғриғи шунчалик кучаяркан. Тадқиқотлар натижаларига кўра, уяли телефон орқали кўп гаплашувчиларда кўзларнинг ёшланиши, уйқусизлик, дармонсизлик ҳам кузатилади.

Болалар ва ўсмирлар организмга эса ташқи муҳитнинг турли омилларига жуда таъсирчан бўлади. Шу боис Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти олимилари болаларнинг уяли телефонлардан узоқ вақт фойдаланишларини тавсия этмайдилар.

— Катта ёшдаги аҳоли уяли телефондан нисбатан яқиндан бошлаб (6-10 йил) фойдалана бошлади. Бугунги болалар эса улардан умр мобайнида фойдаланади. Бундай узоқ муддат давомида уяли телефонлардан фойдаланиш бу болаларнинг авлодига таъсир этмайдими?

— Хорижлик ва мамлакатимиз олимилари томонидан ҳайвонларда ўтказилган тажриба тадқиқотларидан маълум бўлишича, уяли телефонлардан назоратсиз фойдаланилганда бундай эҳтимоллик ўта юқоридир. Электромагнит таъсири ўтказилган каламушларда уларнинг авлодида ўлим сони ошганлиги аниқланган.

— Уяли телефонларнинг

нохуш таъсирдан болаларни асраш учун қандай тавсиялар беришингиз мумкин?

— Энг аввало, болаларнинг уяли телефонлардан фойдаланишларини имкон қадар чеклаш зарур.


Иккинчидан, «Уяли телефонлардан фойдаланиш чоғидаги санитар меъёрлар ва қондалар»га кўра, уяли телефон орқали бир марталик суҳбат давомийлиги уч дақиқа атрофида, 16 ёшгача бўлган болаларнинг эса бир марталик суҳбати давомийлиги икки дақиқадан ошмаслиги зарур.

Учинчидан, суҳбатлар ўртасидаги оралик 20-25 дақиқани ташкил этганда уяли телефоннинг салбий таъсири камаюди. Бунда болалар ва ўсмирларнинг бир кеча-кундуздаги сузлашувлари узоғи билан 30 дақиқадан ошмаслиги лозим. Туртинчидан, электромагнит нурланишининг юракка салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида телефонларни юрак, кўкрак қафаси ва ҳаётий муҳим аъзолардан узоқроқ жойда, масалан, сумкада олиб юриш мақсадга мувофиқдир.

— Ўқув юртларида уяли телефонлардан фойдаланиш борасида қандай фикрдасиз?

— 10 ёшгача бўлган болалар организмнинг асосий тизимлари (бош мия, кўз, қулоқ, асаб ва суяк тизими) ўсиши ҳали такомил топмаган ҳисобланади. Шу боис, уяли телефон ақлий ишлаш қобилиятини камайтириб, асабийлашишга олиб келади, ўқувини ва унинг атрофдаги нарсаларни ўқув машғулотларидан чалғитади.

— Уяли телефонлардан уйда қандай фойдаланган



маъқул?

— Уйда бўлганингизда фақат шаҳар телефондан фойдаланиш ўринли, ухлаётган чоғда уяли телефони камидан 1 метр узоқликда сақлаш лозим. Шунингдек, транспорт воситаларида электромагнит тўлқинларини кўпқарра қайтарувчи жойлар мавжудлиги боис, уларда уяли телефонлардан фойдаланиш тавсия этилмайди.

— Бошқа мамлакатларда болалар ва ўсмирларнинг уяли телефонлардан фойдаланиш муаммоси қан-

дай ҳал этилмоқда?

— Европа Иттифоқи мамлакатлари, шунингдек, Япония, Хиндистон, Тожикистонда уяли телефонлардан мактаблар ҳудудида фойдаланиш тақиқланган.

Мухтасар айтганда, уяли телефон ўйин ўйнаш, видеоқлиплар кўриш ва мусиқа тинглаш воситаси эмас, балки алоқа воситаси эканлигини таъкидлаб ўтишни истардим.

(Газетамиз келгуси сонида компьютерларнинг болалар ва ўсмирлар организмга таъсири ҳақидаги суҳбат берилади).

Хорижда Москва шаҳар мэри ким бўлади?

Номзод бугун кўриб чиқилади

■ Маълумки, 28 сентябрь куни Москва шаҳар мэри Юрий Лужков вазифасидан озод этилган эди. Россия Федерацияси президенти Дмитрий Медведев «Единая Россия» бош кенгаши тавсия этган Сергей Собянин номзодини кўриб чиқиш учун Москва шаҳар думасига тақдим этди. Унга овоз бериш 21 октябрь куни бўлиб ўтади.

Сергей Собянин айни пайтда Россия бош вазири ўринбосари, ҳукумат аппарати бошлиғи лавозимида ишлайди.




«Новости» АА хабар беришича, Москва шаҳар думаси томонидан С.Собянин номзоди кўпчилик овоз билан тасдиқланиши кўтилмоқда. Негаки, унинг номзодини илгари сурган «Единая Россия» фракцияси шаҳар думасида кўпчиликни ташкил этади.

Шуни ҳам айтиш керакки, «Единая Россия» фракцияси Москва шаҳар мэри лавозимига С.Собянин билан бирга, Россия транспорт вазири Игорь Левитин, пойтахт шаҳар мэрининг биринчи ўринбосари Людмила Швецова ҳамда Нижегород области губернатори (аввал Москва шаҳар мэри ўринбосари бўлган) Валерий Шанцевнинг ҳам номзодини тавсия қилган эди.

Намойишлар характери

кескинлашиб бормоқда

■ Франция қасаба уюшмалари томонидан уюштирилётган норозилик намоийшлари аввал тинч руҳда ўтган бўлса, эндиликда кескин характер касб этмоқда. Намойишчилар, автомагистралларда транспорт ҳаракатини тўсиб қўймоқда, ёнилғи ресурслари сақланган омборларни, ишлаб чиқариш объектларини қамал қилмоқда ҳатто полиция билан тўқнашувлар юз бермоқда.



Мамлакатдаги мавжуд 12 та нефтни қайта ишлаш заводидан 10 таси айни пайтда ишламаяпти. Ишчи-ҳодимлар иш ташлашни неча кундан бери давом эттирмоқдалар.

Орли, Руасси аэропортларида ёнилғи етиштиришга сабабли паровозларда узлишлар юз бермоқда. 200 та ёнилғи қўйиш шохобчаси фаолияти тўхтаб қолди.

Полиция берган манбаларга кўра, Тур кўчаларида 3 минг, Реймсда — 2,5 минг, Нантда — 1,6 минг, Ли-Рошел, Лион, Орлеан, Версал ва Ниццада минг нафардан, Битонда — 800, Реннеда — 700, Ангулем ва Аррасе, Бордо ҳамда Булонда 500 нафардан, Париж ва Марселда 3 минг нафардан намоийшчи ўз норозилигини билдирмоқда. Улар ҳукумат томонидан амалга оширилётган пенсия ислохотига қарши чиқмоқдалар.


Пенсия ислохоти пенсия ёшини 60 дан 62 ёшга ўзайтиришни назарда тутди, дейилади «Новости» АА хабарига.

ЧП «USTA MEMOR» ликвидирруется путем слияния с ООО «NURSULTONFAN» ликвидационным управлением назначен Исмаилов А.Ж. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону 3047413

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги «Sultonlar Saltanati» хусусий корхонасига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Қишлоқ қурилиш банк»

Маҳаллий қурилиш индустрияси ривожини йўлида



■ Мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган қурилиш соҳаси сўнгги йилларда ривожланишининг янги босқичига кўтарилиб бормоқда. Айниқса, қурилиш, қурилиш-монтаж ишлари марказининг қишлоқ туманларига кўчиши мамлакатимиз қишлоқлари қиёфасини, архитектуравий шакл-шамойилини бутунлай ўзгартириш билан бирга, айнан қишлоқ жойларда минглаб янги иш ўринлари ташкил этмоқда, маҳаллий қурилиш индустрияси ва унинг таркибий тузилмаларининг замон талабларига мослашишига олиб келмоқда.

Замонавий коллеж ва лицейлар, мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари, дам олиш ва маҳалла фуқаролари йиғинлари учун мўлжалланган бинолар, турли маиший ва пулик хизмат кўрсатиш объектлари, кичик корхоналар учун бинолар қурилиши ҳамда бу жараёндаги самарали бошқарилиши мамлакатимиз маҳаллий қурилиш индустриясининг шаклланиши ва ривожланишига асосий таъсир кўрсатмоқда.

2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган махсус Давлат дастури ушбу йўналишда амалга оширилаётган кенг тармоқли тадбирларни янги босқичга кўтарди.

Қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида аҳоли учун мўлжалланган замонавий, кўркам турар-жойлар қурилиши «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирлардан энг муҳими сифатида белгиланиб, унинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида

замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган турли мулкчилик шаклидаги 1000 га яқин корхоналарнинг ҳисоб рақамлари очилиб, уларга тўлақонли барча турдаги банк хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилди. Жорий йилнинг 1 октябрга келиб, банк томонидан қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш фаолияти билан шуғулланувчи турли мулкчилик шаклидаги корхоналарга умумий миқдорда 20000,0 млн. сўмлик кредитлар берилиши таъминланди.

Бунда, асосий эътибор Президентимизнинг 2009 йил 29 январдаги «Уй-жой фондидан фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пулдар ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросига қаратилди. Шу асосда янгидан ташкил этилаётган қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш корхоналарининг моддий-техник базасини шакллантириш борасидаги тадбирларни молиявий қўллаш учун қарийб 10989,0 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бу кредитлар биринчи навбатда, мазкур ташкилотларнинг моддий-техник базасини янги, замонавий қурилиш техникалари, қурилиш ва қурилиш-монтаж ишларини энгиллаштирадиган турли ускуна ва қурилмалар асосида бутлаш ҳамда корхоналарнинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадларига йўналтирилди.

Банк томонидан «Қишлоқ қурилиш инвест» шўба инжиниринг компанияси иштирокида қишлоқ

Бобур УМАРОВ, «Қишлоқ қурилиш банк» шўба корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи.

Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!

■ Яқинда Кармана туманида ноёб қурилиш материали — гипсокартон ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон — Канада қўшма корхонаси ишга туширилди. Шу туфайли 120 нафар маҳаллий ёшлар муқим иш ўринлари билан таъминланди. Навоий улгуржи савдо масъулияти чекланган жамият тасарруфидаги мазкур корхона 530 минг АҚШ доллари ҳажмидаги узоқ муддатли «Уэлизинг» компанияси кредити эвазига ташкил этилди.

Кармана гипсокартон дунёга чиқмоқда

Гипсокартон ва турли гипс маҳсулотлари учун энг зарур жом ашё 7-8 километр узоқликдаги Маликйўл кенглигида жуда сероб.

— Ҳали булар ишининг бошланиши, холос, — дейди Навоий улгуржи савдо масъулияти чекланган жамият раиси Икромжон Асадов. — Насиб бўлса, эрта-индин наинки деворбоп ва томбоп гипсокартон, балки тайёр алебастр ва курук гипс тайёрлашни ҳам йўлга қўямиз. Ушанда корхона ҳар 24 соатда панелли картонлар билан бир қаторда, 200-220 тоннагача гипс ва гипс маҳсулотлари ишлаб чиқара олади. Бу дегани, корхонага ҳадемай яна 80 нафар қўшимча ишчи олаемиз. Ушанда корхонамиздаги жами ишчилар сони 200 тага етади.

— Қурилиш мутахассиси бўлсам-да, илгари гипсокартон панеллари фарқига, уларнинг қурилишдаги ўрнига етарлича эътибор бермаган эканман, — дейди биз билан суҳбатда қўшма корхона директори Насриддин Эсонов. — Гипсокартон панелларининг қулайлик томони, у ҳар қандай бўйдор, ҳашамдор бино деворига нам ва шовқинни мутлақо ўтказмаслигидир. Бунинг устига, картон панеллар ҳоҳки, ҳоҳ ёз бўлсин, ҳашаматли, кенг ва ёруғ хоналарда ўта мўътадил бир ҳароратни муттасил ушлаб тура олади. Ана шундан бўлса керак, ҳозир маҳсулотимиз учун бюртма бераётган ташкилот ва муассасалар, яқна бюртмачилар сони тобора ортмоқда. Айни кезде биз корхона маҳсулотларини наинки Навоий, балки қўшни Бу.оро, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрига етказиб бераймиз. Корхонамиз ўтган йилнинг май ойида ўз фаолиятини бошлаган бўлса-да, атиги бир йилда картон панелли маҳсулотларимиз туркуминини «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остида чет элларга ҳам чиқара бошлади. Экспорт даражасига тезроқ эришиш мақсадида айни пайтда ўта харидорғир саналган «Герпарт» ёрлиғига эга бўлган энг сифатли картон панеллар тайёрлашни тўла ўзлаштириб олди.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

